

ЭРКИКЛАШТИРИШ — ОЛА ИСТИКЛАШТИРИШ МАҚСОДАТИ

«Ташаббус — 99»

ИШ КЎЗИНИ БИЛГАНЛАР

Бир неча йилдан буйи анованавий давом эттаётган «Ташаббус» кўрик-танлови кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорларга катта ёрдам бўлмоқда.

Шундай танлов ҳамма туманида ҳам бўлиб ўтди. Унда 6 нафар тадбиркор ва 4 нафар хунарманд куч синашди.

— Туманимизда йил бошидан бери 2085 та кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар рўйхатдан ўтди, — дейди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Шухрат Хусанов. — Шундан 1213 нафар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, ички бозоримизни тўлдириб, қолаверса хорижийликларниқидек рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришди.

Палата қошида «Тадбир ривож» номли ахборот маслаҳат гуруҳи ҳам ишлаб турибди. Улар иш бошлаётган тадбиркорга ҳуқуқий саводхонлиги, боғжона масалалари ва банк ишида, айниқса қарз олиш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этиш учун кўмакдош бўлишмоқда.

Айни вақтда Юртбошимизнинг қўллаб-қувватлашлари натижасида республика миқёсида ахборот олиш ва узатиш ишларини янада тақомиллаштириш мақсадида «Интернет»ни ташкил этиш арасида турибмиз. Бу режамиз ҳам амалга ошса тадбиркор учун масофа қисқариб, ишлашига кенг имконият яратилади.

Танловни иқтисодий масалалар бўйича туман ҳокими ўринбосари Тохир Мирзаев очди.

Ҳар бир тадбиркор ва хунарманд кўрик-танлов шартига кўра кўргазма учун олиб келинган тайёр маҳсулотларини намойиш этди. Танлов якунига кўра «Энг яхши тадбиркор» номини «Днисс» масъулияти чекланган жамият, «Энг яхши хунарманд» номини эса чарм миниатюрчиси Зайнутдин Абдуқодиров кўлга киритди. Ғолибларга қимматбах соғвалар, «Ўзбекистон» оромгоҳига бепул йўлланмалар топширилди. Иштирок этган барча тадбиркор ва хунармандларга туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан Дипломлар топширилди.

Биз ғолиблар билан суҳбатлашар эканмиз, улар-



Бугун эл-юрт фаровонлиги йўлида ҳар бир эзгу ниятли инсондан тадбиркорлик билан ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиш талаб этилмоқда. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган кўлаб тадбиркорлар ҳам ана шу талаб асосида, уларга кўрсатилаётган тадбиркорлардан, имкониятлардан оқилона фойдаланишга иштирокчилар.

Яккасарой туманида бўлиб ўтган «Ташаббус» кўрик-танлови ҳам ана шундан далолат берди. Кўрик-танловда қатнашган тадбиркор ва хунармандларнинг ишлари, чиқарилган маҳсулотлари, келажак режалари билан танишар экансиз, ҳақиқий мулкдорлар синфининг шаклланиётганига, уларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланиши учун зарур шароитлар тугдирдиш кераклигига амин бўлдик.

— Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларидан ҳар биримиз зарур ҳулосаларни чиқариб олмоғимиз бугунги куннинг долзарб вазифасидир, — дейди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Пулат Зарипов. — Айниқса, палатамиз тадбиркорлар ишончини оқлаши, уларга ҳам бундан бўлмоғи зарур. Шу боис ҳам биз зудлик билан ўз ишларини қайтадан кўриб чиқдик. Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда тузилган комиссия ўз фаолиятини бошлади. Палатамизга аъзо бўлган икки миңдан ортиқ тадбиркорларга фикр-мулоҳазаларини билиш мақсадида саволлар тарқатдик. Уларнинг ишларига тўсиқ бўлаётган нуқсонларни ўрганишга



нинг кўрик-танловнинг тез-тез ўтказилиши турилиши, бу уларга ижобий самара беражаклигини ихпор этишиди.

• Якуб СЕГАЛЪ,

«Днисс» масъулияти чекланган жамият раиси, «Энг яхши тадбиркор»:

— Кўрик-танлов ўтказиш деганда, фақат ўрин олиш ёки бирор совғага эга бўлишни тушуниш нотўғри тушунча. Сабаби, мана шу танловда бир-биримиз билан анча фикр алмашдик. Кўриниб турибдики, келажакда бунинг самараси янада ижобий бўлади.

• Зайнутдин АБДУҚОДИРОВ,

миниатюрчи расом, «Энг яхши хунарманд»:

— 1990 йилда «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлиб хато қилмаган эканман. Чунки бу уюшма томонидан яратган асарларим бир неча мартаба кўргазмаларга қўйилди. Мана орадан ўн йил вақт ўтиб, кўрик-танловда иштирок этишга мушарраф бўлдим. Мен бу ғолибликни мустақиллигимиз ва Юртбошимизнинг ғамхўрлиги деб тушунган ҳолда, келажакда жаҳон миқёсидаги халқаро кўргазма ва танловларда иштирок этиб, юртим номини улуғлашга ўз ҳиссамни қўшаман, деган умиддаман.

Гулзода АБДУЛЛАЕВА.

СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар. Тохир Ниғматуллин олган суратлар.



астойдил киришдик. Комиссия ҳар ойда бунинг натижаларини марказий комиссияга маълум қилади. Мамлакатимиз эртаси, иқтисодиёт ривожига кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ экан, бу борда биз ҳақиқий мададкорга айланишимиз шарт.

Кўрик-танловни очган туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Алишер Мирқосимов танловнинг ўтган йилларга нисбатан ушқоқлик билан ташкил этилганлигини таъкидлаб, туман иқтисодиёти ривожига салмоқли улуш қўшаётган тадбиркор корхоналарнинг маҳсулотлари ҳам Ўзбекистонда, ҳам жаҳон бозоридан ўз ўрнини топиши кераклигини айтди.

Чиндан ҳам «Фан-Дон» корхона-

биз ўз маҳсулотимизнинг сифатига, импорт ўрнини боса олишига ва экспортга йўналтирилган маҳсулот эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик, — дейди «Фан-Дон» корхонаси раҳбари Миржалол Ойматов. — Энг муҳими эса бу маҳсулотни биз ортимиздаги хом ашёдан, яъни арпа, бугдой, оқшоқ, маккажўхорининг энг паст сортларидан биотехнология усул билан тайёрлаймиз. Ҳозирда ана шундай маҳсулотдан имкониятимизга кўра ойига 50 тонна тайёрлаймиз. Келгусида кредит олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ният қилганмиз. Бунинг учун тадбиркор билими, иродали бўлмоғи муҳим, ана шунда тўсиқларни енга олади.

Барча иштирокчилар танлов шартлари асосида беллашдилар. Натижа эса куйидагича яқунланди: «Фан-Дон» корхонаси раҳбари «Энг яхши тадбиркор» деб топилди. «Энг яхши хунарманд» номига эса каштачи-хунарманд Шоҳида Облакулова сазовор бўлди. Ғолибларга қимматбах соғвалар топширилди, улар шаҳар «Ташаббус — 99» танловда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритишди. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ҳамда барча иштирокчилар фахрий ёрлик, соғвалар билан тақдирланди. Уч нафар энг яхши иштирокчи шаҳар касба уюшмасининг дам олиш масканига йўлланма тортиқ этилди. Бундай эътибор ва қўллаб-қувватлаш ҳар бир тадбиркор ва хунармандни руҳлантириб, янги изланиш ва яратиларга ундаши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА.

ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРГА УНДАЙДИ

насининг шакар ўрнини босувчи асалин маҳсулоти, «Она-Нафиса» хусусий фирмасида тайёрланаётган ҳамда чет элларга ҳам юборилаётган сублимиция йўли билан қуритилган мева ва сабзавотлар, «Ойна», «Гелиос», «Кулол-сервис» ҳамда «Акс-нигоҳ» корхоналарининг рақобатбардош маҳсулотларини кўриб, уларнинг ҳақиқатан изланаётганлигига, имкон топайтганига ишонасиз. Кули гул хунармандларнинг ишларидан эса ўзгача завқ оласиз, қалбингизда миллий санъатимизга яна бир бор меҳр уйғониши табиий.

— Барча синовлардан сўнг

чам, салонлари йўловчилар учун қўлай бўлган янги транспорт воситаларини 15-20 йиллик тажрибага эга вақтда манзилларига элтишда, кунлик режаларни аниқлашда куч-ғайрат сарфлашмоқда.

Усмон МУҲАМЕДОВ.

Раҳбарлик фазилатлари: уларни қандай шакллантириш керак?

ВАЗИФАНИ АНИҚ ТУШУНТИРИШ — УНИНГ БАЖАРИЛИШИ ОМИЛИ

Раҳбарликнинг ўзига хос йўлини танлай билиш бошқаришда муҳим аҳамиятга эгадир. Одатда, раҳбар ўз ходимларига топшириқ берилган олдин шу топшириқнинг ўзи яхшилаб ўзлаштириб олиши керак, деб ҳисобланади. Шундан кейин ушбу топшириқни бажариш топширилаётган ходимларнинг етуклик даражасини аниқлаш керак бўлади. Ўз котибасига топшириқ бераётган раҳбар ҳаракатларининг тўрт хил турини келтирамиз.

I. Котиба қизим, мен шу бугун оқ жўнатилиши лозим бўлган хат матинини айтиб тураман. «Мухтарам жаноблар, вергул... Суҳбатимизни давом эттириб, шуни айтишим керакки...» Бу ерда вазифанинг моҳияти ва уни қандай бажариш йўли бутун тафсилотлари билан тушунтирилади. Бундан ташқари хатни жўнатишдан олдин ҳамма ишлар топшириқ бўйича қилингани текшириб қўйилади.

II. Котиба қизим, фалон буюртмачимизга фалон ахборот билан мактуб жўнатишимиз керак... Менга хатнинг тахминий матнини қоралаб келолмайсанми — унда соат

учда биз сен билан бирга қараб чиқардик.

Раҳбарликнинг бу хил тартибда нима қилиш кераклиги тушунтирилади, ходимларнинг ўзлари тақлифларни ишлаб чиқаришга имкон берилади ва зарур ҳолларда тузатишлар киритилади. Бу ҳолатда ҳам хатни жўнатишдан олдин уни назоратдан ўтказилади.

III. Котиба қизим, мен бугун эрталаб учрашган миҳозимизга фалон хабар билан бирга шу бугун оқ жўнатишимиз керак... эшитишга тайёрман.

Бу хил муносабатда дастлаб (қандай талаб қўйилиши ҳақида) топшириқ берилади, ундан кейингина агар ходимнинг ўзи илтимос қилса — изоҳлар берилади (Масалан, хатни ўзингиз имзоласизми ёки буни менга топширасизми? — қабилида савол тушиши мумкин). Хатни жўнатишдан олдин назорат қилишнинг ҳолати борми ёки йўқлиги ходимнинг шу ҳақидаги илтимосига боғлиқ.

IV. Котиба қизим, шу бугун оқ фалон буюртмачимизга, фалон нарса ҳақида хабар бериладиган хатни жўнатишимиз зарур. Шунинг ташвишини сен ўз зиммангга ола қолсанми?

Раҳбарликнинг бу хил шаклини «хуқуқни бериш» дейилади: нима-лар талаб қилиниши ҳақида топшириқ берилиб, унинг бажарилиши ходимнинг ихтиёрига топшириб қўйилади. Одатда, бундай ҳолларда хат жўнатиб бўлингандан кейин назорат қилиб қўйилади.

Оқорида қараб чиқилган раҳбарликнинг тўрт хил шакли бўйича ўз қарашларингизни баён қилинг. Улардан қай бири сизга кўпроқ маъбул. Маъбул бўлса — нега? Ёки сизнинг бу масалада юқоридагилардан фарқланувчи ўз мулоҳазаларингиз борми? Агар шундай бўлса — уларни ҳам яхшилаб ўйлаб кўринг. Лозим топсангиз — шу мулоҳазаларингизни газета орқали бошқалар билан баҳам кўриш учун таҳририятимизга жўнатишимиз мумкин.

Яна бир бор эслатиб қўямиз: хатларингизга «Раҳбарлик фазилатлари: уларни қандай шакллантириш керак» рўқни учун» деган белгини ёзиб қўйишни унутманг.

«Оқшом»нинг ҳуқуқий маслаҳатхонаси

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

САВОЛ: Мен иккинчи гуруҳ ногирониман. Оиламиз билан маҳаллада истиқомат қиламиз. Айтишларига қараганда ногиронлар ер солиғидан озод этилган экан. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Ҳақиқатан ҳам Солиқ Кодексининг 102-моддасига асосан биринчи, иккинчи гуруҳ ногиронларидан озод этилганлар.

САВОЛ: Биз яшаб турган уй бобомизнинг номерида бўлиб, у киши вафот этганлар. Уйни ўз номимга ўтказиш учун нима қилишим зарур?

ЖАВОБ: Фуқаролик Кодексининг 1112-моддасига асосан ворислик ва сияят ва қонун бўйича амалга оширилади. Агарда бобонгиз ўзини сизнинг номингизга ўтказиш учун васият қолдирган бўлсалар унда сиз ҳақиқатан ҳам уйга ҳақиқий ворис бўлишингиз мумкин. Агар бобонгиз васият қолдирмаган бўлсалар, Фуқаролик Кодексининг 1135-моддасига асосан ворислар бу ишни навбат билан хал этишларига тўғри келади. Қонун бўйича биринчи навбатли ворисларга мерос қолдирувчининг фарзандлари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) қиради. Иккинчи навбатдаги ворисларга мерос қолдирувчининг туғишган опа-сингиллари, ака-укалари ва бошқалар қиради.

Фуқаролик Кодексининг 1145-моддасига кўра меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросга эга бўлиш ҳуқуқига мерос очилган кундан ҳақли бўлади.

Фуқаролик Кодексининг 1146-моддасига кўра мерос очилган жойдаги нотариус идораси меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга эгаллик қилиши ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштириши шарт. Меросга эгаллик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан 6 ой ўтгандан сўнг берилади.

Ойбек ИСОҚОВ, ҳуқуқшунос.

Давлат солиқ қўмитаси савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини назорат қилиш бошқармаси ва гага реиди қўмитанинг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти билан ҳамкорликда ташкил этди.

Рейдга туман солиқ инспекцияларининг жойлардаги таянч пунктлари ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини назорат қилувчи бўлимлари ходимларидан 62 нафари жалб этилди. Улар гуруҳларга бўлинишиб Тошкент шаҳар бозорлари, савдо расталари, кўча ва аҳоли гажум жойларда фуқаролар томонидан савдо қилдиларига қай даражада риоя этилаётганлигини назорат тартибда текшириб чиқдилар.

Текширувлар давомида ўн ҳолатда сотувчилар харидорлар билан ўзаро ҳисоб-китобда назорат касса машинасини ишлатмаганликлари маълум бўлди. Салкам 300 миң сўм савдо тушуми назорат касса машинасини четлаб ўтди. 21 ҳолатда эса озиқ-овқат ва нооziқ-овқат маҳсулотлари ноқонуний тарзда савдо қилинаётганлиги аниқланди. Шу боис

риш ва сотиш билан шуғулланиб келган экан. Текширув ўтказилган кун 563,8 миң сўмлик маҳсулот сотишга тахт қилиб қўйилган. Тайёр мебеллар ҳам, ишлаб чиқариш ускуналари ҳам далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Шундай ҳисобда йўқ мебеллар Собир Раҳимов тумани, Матқўрғон кўчаси, 32-уйда истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Абдурасул Ҳафизов хонадонидан ҳам топилди. Яширин цех ишчиси Султон Исмоилов харидор Рўстам Пирматовга бир дон «Олимп» стенкасини 90 миң сўм нақд пулга сотиб машинага ортаётган пайтида назорат текшируви эълон қилинди.

Суриштирув пайтида Абдурасул Ҳафизов ўтган йил март ойида С. Раҳимов тумани ҳокимлигидан мебель таъмирлаб сотишга рухсат берувчи гувоҳнома олганлиги маълум бўлди. Абдурасул эса ўз хонадонидан рухсатсиз мебель цехи ташкил этиб таъмирлаш ишларини эмас, балки янги мебеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб юборибди. Ёлланган тўрт нафар ишчи тонг отгандан кун ботгунча ишлаб Абдурасулнинг киссасини қап-

Солиқ тизимида

ЯШИРГАНИ ОШКОР БЎЛДИ

солиқчилар салкам икки миллион сўмлик маҳсулотларни вақтинча савдодан олиб қўйишга мажбур бўлдилар. Улар орасида 720 килограмм ун, 630 килограмм макарон, 378 дон ҳўжалик совуни, 571,5 килограмм шакар, 879 кути акциз марказиз тамаки маҳсулотлари ва бошқа хил товарлар бор эди.

Текширув пайтида кўпгина фуқаролар амалдаги қонунчиликка зид равишда рухсат этилмаган жойларда савдо билан шуғулланаётганликлари, яширин цехлар қуриб олинганликлари маълум бўлди. Цехлардан бири А. Икромов тумани, Уриқзор даҳаси, 3-Самарбону тўқчаси, 32-хонадонда истиқомат қилувчи Музаффар Мусаевга тегишли бўлиб чиқди. У 600 килограмм макарон маҳсулотларини харидорга кўтарасига 69 миң сўмга сотаётган пайтда кўлга тушди. Суриштирув пайтида Музаффарда савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома йўқлиги, цех бирор жойда қайд этилмаганлиги, тушган даромаддан бир сўм ҳам солиқ тўланмаганлиги маълум бўлди.

Текширув давомида ноқонуний цехда тайёрланган 630 килограмм макарон маҳсулотлари, 400 килограмм ун, макарон ишлаб чиқарувчи ускуналар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

Рейдлар давомида Ҳамза тумани, Мавлон Риёзий кўчасида жойлашган ёғочни қайта ишлаш корхонасида ҳам яширин дурдоргчилик цехи фаолият кўрсатаётганлиги маълум бўлди. Солиқчилар мебель харид қилган харидордан тўланган ҳақ учун берилган чек ёки квитанция кўрсатишни сўраганида у ҳеч қандай ҳужжат тақдим этолмади. Цех ишчиси Турсунали Мамажонов ундан мебель учун ҳақ олибди-ю лекин ҳеч қандай ҳужжат беролмабди.

Шундан кейин текширув чуқурлашди. Маълум бўлишича, цехда тадбиркорлик ёки савдо-сотик билан шуғулланиш учун рухсат берувчи ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди. Назорат касса машинаси умуман ўрнатилмаганди. Маҳсулотларнинг бири-бирига ҳам тури давлат стандарти назоратидан ўтказилмаган, нақд пул тушувлари эса банк муассасасига топширилмаган эди.

Яширин цех ташкилотчиси ва раҳбари Тохир Умаров тўрт кишини ёллаб хуфя йўллар билан мебель ишлаб чиқа-

пайтириб келишарди. Утган йилнинг март ойидан шу кунгача улар 90 та «Олимп» стенка мебелини тайёрлаб 360 миң сўм миқдорда соф даромад келтиришди. Лекин мебеллар давлат стандарти назоратидан ўтказилмаган, цехда назорат касса машинаси ўрнатилмаган ёки қивангиз жорий этилмаган, даромаддан солиқ тўланмаганди.

Текширув ўтказилган кун солиқчилар сотишга тайёрлаб қўйилган 12 та мебелини ва 8 дон мебель ишлаб чиқариш учун етарли бўлган хом ашёларни рўйхатга олдилар. Ушбу ҳолатлар бўйича жиноят иш қўзғатиш масаласи ҳал этилаётган.

Рейд қатнашчилари имкони борича барча соҳаларни қамраб олишга ҳаракат қилишди. Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув даҳасидаги «Авайхон» дехқон бозоридан ўтказилган рейдда тадбиркор Ҳикматулла Салимов ноқонуний равишда 510 килограмм шакарни сотиб ўтирганида, фуқаро Б. Абдуллаев эса Паркент бозорида Қозоғистонда ишлаб чиқарилган 600 килограмм унни харидорга 87 миң сўмга сотаётган пайтда кўлга тушдилар. Бу маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Шундай ҳолатлар Яккасарой туманидаги «Аския» бозоридан ўтказилган рейд давомида ҳам кўзга ташланди. Текширув ўтказилган кун фуқаро В. Айвазян ҳеч қандай ҳужжатсиз тадбиркорлик билан шуғулланиб келаяётганлиги аниқланди. Ундан 6 ишча арок, 100 граммдан қилиб қадокланган 13 стакан арок, шампан винолари, 33 кути акциз марказиз тамаки маҳсулотлари олиб қўйилди. Фуқаро А. Эргашев эса акциз марказиз 220 кути тамаки маҳсулотлари сотиб ўтирганида ушланди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилаётган.

Ўтказилган бундай тадбирлар Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга ва истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш йўлидаги чора-тадбирларни тўла амалга оширишга самарали таъсир ўтказаяпти. Ҳозир ҳар бир шаҳар, туман ва вилоят бўйича шундай қўшма рейдлар режали тарзда ўтказиб борилаётган. Аниқланган қамчиликлар эса зудлик билан бартараф этилаётган.

Жасур НОСИРОВ.

Хабарингиз борми?

ЙЎЛОВЧИЛАР МАМНУН

Пойтахтимиз кўчаларида «ВУДУ КОМА» русумли янги автобуслар йўловчиларга хизмат кўрсата бошайди.

Ҳозирда ана шундай ав-ҳамда 69-автобус йўналишларида қатнамоқда. Бу их-

там, салонлари йўловчилар учун қўлай бўлган янги транспорт воситаларини 15-20 йиллик тажрибага эга вақтда манзилларига элтишда, кунлик режаларни аниқлашда куч-ғайрат сарфлашмоқда.

Усмон МУҲАМЕДОВ.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, рессам Самиг Абдуллаев серкира ижодкор эди. Таърихий санъатнинг ҳамма жанрларида қобилиятини синиб кўрган. Сақсон йилдан охиқроқ умри мобайнида мусаввирликнинг манзара, натюрморт, ҳаёвий мазмунга эга бўлган полотнолар, беҳисоб қаламтаъбирлар, нуқса асарлар, ҳатто ҳайкалтарошликкаям ижод қилиб, бюст-портретлар яратганди.

27 март – Халқаро театр кун

ИЛҲОМ МАНБАИ

Самиг ақанинг ижодида, унга илҳом манбаи сифатида хизмат қилган санъаткорлар қиёфаси ҳам алоҳида ўрин олган бўлиб, киши эътиборини ўзига тортган. 1960-70 йилларда яратган икки санъаткор — Ўзбекистон халқ артисти Насим Ҳошимов ва республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Уста Усмон Зуфаров қиёфалари жўшқин илҳом ва ҳаяжон билан ниҳоясига етказилган.

«Насим Ҳошимов» портретида ўйчан, куч-гайратга тўлган, вужуди Ватан ва халқ муҳаббати билан йўғрилган камтарона, фидойи инсонни кўради. Портрет санъатининг ўзига хос томони ҳам айнан шундадир. Инсоннинг қандайлигини очиб беришдир. Фотосуратлардан шуниси билан фарқ қилади.

Опера театри солисти ҳамда ажойиб хонандасини яхши биламиз. Уста Ширин кўчасидаги уйларида кўп бора бўлиб, суҳбатларини ҳам олганмиз. Асли самарқандлик бўлиб санъаткор ўн тўрт ёшдан санъат майдонига кириб келган. Илк бора ўйнаган роли драматург Зиннат Фатхулдиннинг «Гунчалар» асариди ўз онасини тополмай юрган бола қиёфаси эди. Насим Ҳошимов етим бола нолаларини ўн тўрт ёшида айтганда шу роли билан тезда томошабин диққатини тортган экан. 1973 йилда каминя телекўрсатув уюштирилганда Насим Ҳошимов шу ашуласини қойилмақом қилиб айтиб берганди. Аёллари Ноила Ҳошимова ҳам истеъдодли актриса бўлиб, опера театрида биргаликда жуда кўп роллар ўйнашибди. Ноила опа Ҳошимова Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин»да Ширинни, «Тоҳир ва Зухра»да Зухрани ўйнаган бўлсалар, Насим Ҳошимов «Шоир қалби»да Фурқатни, яна кўп ролларни ўйнабдилар.

Мусаввир Самиг Абдуллаев бу буюк санъаткорнинг ўзларига қараб тасвирлабдилар. Насим Ҳошимов ҳақида халқ латифаларидан ҳам биларканлар. Бир-иккитасини айтиб роса қулишгандик. Одатта кўра халқ ўзи ёқтирган ёки уни қайси бир томонига тан берган санъаткорни ҳаётидан латифалар тўқийди. Шундан билан номини абадий сақлайди.

Насим Ҳошимов ҳақида халқ ҳангомадорини қўллаб эшитиш мумкин. Самиг акага Насим Ҳошимовнинг Фурқат газали

билан айтиладиган «Кашмирда» ашуласи ёқиб, уни портретини тасвирлашга илҳомлантирибди. Портрет биттунча бу ашуладан бошқа ашулалар эшитиб, Насим ака кўллаб халқ қўшиқларини маҳорат билан айтишига ишонибдилар.

Ҳа, Насим Ҳошимовнинг санъат майдонига муносиб ўрни бор. Ўтган йили Наврўз байрамида Санъатшунослик институти меҳмони бўлиб, илтимосимизга кўра «Кашмирда» ашулаларини маҳорат билан айтганларидан қариб қолган бўлсаларда ҳамон санъатга меҳрлари жўшқин эканлигини билдиргандилар.

Миллий чолғу асбобларини ясаш устаси «Уста Усмон Зуфаров» қиёфасини яратиш Самиг Абдуллаев учун бирмунча машаққатли кечди. Пойтахтимизнинг «Сақичмон» маҳалласига бориб уста ҳаётини чуқур ўрганишга тўғри келди. Дастлаб кекса устанинг қиёфасини акс эттирувчи чизгилар чизди. Юз, кўз, қўл, гапда ҳаракатларига оид ўнлаб қаламтаъбирлар тайёр келган. Илк бора ўйнаган роли драматург Зиннат Фатхулдиннинг «Гунчалар» асариди ўз онасини тополмай юрган бола қиёфаси эди. Насим Ҳошимов етим бола нолаларини ўн тўрт ёшида айтганда шу роли билан тезда томошабин диққатини тортган экан. 1973 йилда каминя телекўрсатув уюштирилганда Насим Ҳошимов шу ашуласини қойилмақом қилиб айтиб берганди. Аёллари Ноила Ҳошимова ҳам истеъдодли актриса бўлиб, опера театрида биргаликда жуда кўп роллар ўйнашибди. Ноила опа Ҳошимова Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин»да Ширинни, «Тоҳир ва Зухра»да Зухрани ўйнаган бўлсалар, Насим Ҳошимов «Шоир қалби»да Фурқатни, яна кўп ролларни ўйнабдилар.

Мусаввир Самиг Абдуллаев бу буюк санъаткорнинг ўзларига қараб тасвирлабдилар. Насим Ҳошимов ҳақида халқ латифаларидан ҳам биларканлар. Бир-иккитасини айтиб роса қулишгандик. Одатта кўра халқ ўзи ёқтирган ёки уни қайси бир томонига тан берган санъаткорни ҳаётидан латифалар тўқийди. Шундан билан номини абадий сақлайди.

Махмуд АХМЕДОВ, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг аъзоси, театршунос, Санъатшунослик институтининг илмий ходими.



СУРАТДА: «Чимилдик» спектаклида бош ролларни моҳирона ижро этган актёрлардан Абдураим Абдувахобов ҳамда Мадина Мухторовалар.

Миробод туманининг умумий майдони 2858 гектарни ташкил қилади. Шундан 755 гектарни қўқаламзорлаштирилган ерлардир. Туман аҳолиси шундай ободонлаштирилган майдонларни кўпайтириш борасида самарали ишларни олиб бормоқда. Айни дамларда ҳудудимиз аҳли Тошкент шахри ташаббуси билан 10 мартдан 10 апрелгача ўтказиладиган ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ойида фаол қатнашмоқда.

Умуман туманда бу хусусда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, кўча ва майдонларга 63770 турк бунгалари ва 30 мингдан ортиқ чаккасига ўтказилган дарактларни қўриб, кўзини қувонади. Шунингдек, Охунбобов, Фитрат, Олимбеков, Темир йўлчилар, Мовароуннаҳр, Яқка чинор, Буюк Турон, Ўзбекистон кўчалари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Туман ободонлаштириш бошқармаси ўсимликлари ҳимоя қилиш станцияси билан узилий равишда иш олиб боради. Ҳар икки томон ўртасида тузилган шартномага мувофиқ касалланган ўсимликлар мутахассислар томонидан вақти-вақти билан кўриқилди турилади.

Бугунги кунда бошқарма ҳисобига 15 автотранспорт мавжуд. Ушбу техникалар ҳар кун ишларда ҳосил бўлган чи-

кинди ва ахлатларни шаҳар ташқарисига олиб чиқиб ташлайди. Бошқарма хизматчилари кўчаларни тартибга солиш ва ободонлаштириш ишлари билан мунтазам шуғулланишади. Шу тўғрисида туманда бир қатор намунали кўчалар ҳам борки, биз улардан баъзиларининг номини фахр баён этиш лозим деб ўйлайман. Албатта бошқа жойларда бўлгани сингари ушбу туманда ҳам она табиатга оқилона кўз билан қарайдиган кишилар қатори баъзи бир шахсиятлар ҳам кўраб турадики, улар тумонидан содир этилаётган ноҳуш ҳолатлар тўғрисида баъзи бир кўча-

Туманларда ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ КЎНГИЛЛИ ЎТМОҚДА

Бугун Фарғона йўли бўйлаб юрган кишининг бағри-дили очилади. Текис ва раво кўча бўйлаб борар экансиз, унинг икки чаккасига ўтказилган дарактларни қўриб, кўзини қувонади. Шунингдек, Охунбобов, Фитрат, Олимбеков, Темир йўлчилар, Мовароуннаҳр, Яқка чинор, Буюк Турон, Ўзбекистон кўчалари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Туман ҳудудига жойлашган ирригация шохобчаларининг умумий узунлиги 204,7 километри ташкил этади. Улар ҳар йили белгиланган режа асосида тозалана турилади. Ариқ бўйларига ҳосил бўлган ахлатлар фаррошлар ёки шў ян-атрофдаги маҳалла фаоллари томонидан уюштирилган хашарлар тўғрисида йўқ қилинади. Шу ўринда баъзи бир эътирозларни ҳам

лардаги яшил дарактлар сўроқсиз-истоксиз кесилмоқда, ариқлар ахлат уюмларига тўлмоқда. Бундай ҳолатлар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси назорати эътиборидан четда қолмапти, албатта. Уларга маълум даражада жарималар солинмоқда. Лекин жарима билан ишни ўнлаб бўлмайди-да.

Туманда ободонлаштириш, атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш ва табиат заҳираларидан оқилона фойдаланишда маҳаллий ҳокимият органлари, маҳалла қўмиталарининг фаоллари янада фаоллик кўрсатиб, ишласалар, туманимиз энг намунали туманлардан бирига айланиши шубҳасиздир.

Камолитдин ОРИФЖОНОВ, туман давлат ноизи.



№3 (98) Тошкент шаҳар табиатни муҳофазаси қилиш қўмитасининг иловаси



Ох, нилуфар, нақадар жозибалисан...

Мушоҳада БАРЧАНИНГ ИШИ

Атроф-муҳитни муҳофазаси қилишда қурилатган ва қайта қурилатган иш-лаб чиқариш корхоналарига экспертиза хулосалари бериш муҳим аҳамият касб этади. Бу билан атроф-муҳитга кераксиз чиқиндилар чиқаришнинг олдидан олиниб, экологик мувозанат сақлаб қолинади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофазаси қилиш қўмитаси давлат экологик экспертизаси бўлими ходимлари амалдаги кўнун, қоида ва меъёрий раҳбарлик ҳужжатларини белгиланган тартибга асосан фаолит кўрсатиб бирмунча ижобий қўрсаткичларга эришилди.

Шаҳар ҳокимияти тизимидида ташкилотлар, банк муассасалари билан алоқаларни кучайтириб макроиқтисодиёт ва статистика бошқармаси томонидан тайёрланган ва ўтган йилда амалга оширилган қурилиш ва жорий қайта тавмирлаш мажмуаларининг рўйхатини олиб, уларни тўла экологик экспертизага жалб қилиш бўйича доимий назорат ўрнатилди.

Экспертиза ҳажми ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан 30 фоизга кўпайди. Экологик экспертиза сифатини ошириш мақсадида штатдан ташқари 30 та мутахассис-экспертлар жалб қилинди.

Йил давомида ҳар йил турдаги, жами 468 та режа, лойиҳалар бўйича давлат экологик экспертиза хулосалари тайёрланди. Шундан 267 та мажмуага экологик розилик тарихида экспертиза хулосаси берилди. 459 та лойиҳа, режа бўйича экспертизанинг ижобий хулосаси чиқарилди, 9 лойиҳа ишлашга юборилди.

Маълумки, шаҳар атроф-муҳити ҳолатининг ўзгаришида сув ҳавзалари, каналлар муҳим ўрин тутди. Шу ўринда Салар каналининг ўрни диққатга сазовор. Салар каналли шахримизнинг 6 та туман ҳудудидан оқиб ўтади. У деярли яқин вақтгача санитария-экологик ҳолати қўнқарсиз аҳолида эди. Қўмитамиз ходимлари табиатни муҳофазаси аҳоли ва бошқа бир қатор сув муҳофазасига қаратилган ҳужумат қарорлари, фармойишларидан қўнқарсиз Салар каналининг экологик ҳолатини яхшилаш бўйича бир қатор ишларни бажаришди. Хусусан «Удавсувлойдиха» институти томонидан Салар каналини таъмирлаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди ва унга ижобий экологик экспертиза хулосаси берилди.

Лойиҳада канал ўзгариши бетон плиталар билан қоплаш, унинг қирғоқлари бўйлаб сув муҳофазаси йўлакчаларини ташкил қилиш, каналдаги сув ҳажминини 3-4 мартага кўпайтириш, натижада каналда оқма ҳар хил чиқиндиларини йиғилиб, қамишларни ўсиб, уни ўзгариш лойиҳаларга тўлиқини барта-раф этиш кўзда тутилган. Бу эса канал сувининг тозаллигини оширади.

«Кобул-Ўзбек» қўшма корхонасининг ўқимчилик мажмуаси МУТБ лойиҳаси 2 босқичда экологик экспертизадан ўтказилди. Корхонада пахта толаси қайта ишланиб

ип-газламалар тайёрланади. Иш жараёни чет элда тайёрланган замонавий дастгоҳларда бажарилади. Атмосфера ҳавосига корхонадан чиқадиган чанглари тозалаш ускуна-ларида ушлаб қолиш даражаси 99 фоизни ташкил этади.

«Кокка-Кол» ичимлиги қўшма корхонасини газлаштириш бўйича лойиҳачилар томонидан МУТБ лойиҳаси қўмита экологик экспертизаси кўрсатган камчиликлар ҳисобга олиниб, қайта ишлаб чиқилди. Жумладан, газ тармоқлари ва ускуналаридан ишлаш жараёнида вужудга келадиган салбий таъсирини қамайтириш мақсадида бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бўлим мақсадида мунтазам «Қизилтепа геология», «Тошсувго», «Атмосфера», «Бош режа» ва бошқа илмий тадқиқот ва лойиҳа институтлари мутахассис олимларини жалб қилган ҳолда иш олиб борди. Йил давомида 30 та штатдан ташқари мутахассис-экспертиза ишларига жалб этилди.

«Қизилтепагеология» институти томонидан 1992-1997 йилларда ўтказилган илмий тадқиқот ишлари якуни бўйича ишлаб чиқилган ер ости сувлари, очик сув ҳавзалари, тупроқ, атмосфера ҳавоси ҳолатини кўрсатувчи картографик материаллар ишлаб чиқилди ва у қўмитага тақдим этилди. Экспертлар ўндан лойиҳаларни қўриб чиқиб жараёнида фойдаланмоқдалар.

Лойиҳаларни экологик экспертизага жалб қилиш бўйича ҳам муайян ишлар бажарилиди. Жумладан, миллий банкнинг «Чилонзор, Сирғали, Яқкасарой» туманлари бўлимида лойиҳачилар бўйича экологик экспертиза хулосалари мажмулиги текширилди. Бундан ташқари «Ўзбек-Туркия» банклари ҳам текширилди. Экологик экспертиза хулосаларининг сифатини ошириш тақдим этиладиган МУТБ лойиҳаларининг сифатига бевосита боғлиқдир. Лекин айрим ҳолларда қўриб чиқилган тақдим этилаётган лойиҳаларнинг сифати ҳозирги кун талабига жавоб бермайди. Бунинг сабаби лойиҳа институтларида экологик бўйича малакали мутахассислар етишмаслигидир.

Шунинг учун тақлифимиз, лойиҳа институти мутахассислари, бюромчиларини жалб қилган ҳолда МУТБ лойиҳасини тайёрлаш бўйича ўқув-семинар машғулотларини ўтказишни ташкил қилиш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шукур ХИДОЯТОВ, Тошкент шаҳар табиатни муҳофазаси қилиш экспертизаси бўлими бошлиғи.

Тошкент таъриба-механика экскаватор таъмирлаш корхонаси Қишлоқ ҳўжалиги ва сув вазирига қарашлидир. Корхона асосан экскаватор машиналари, дизелларни таъмирлаш, улар учун турли хил узеллар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, истандарт ускуналар ҳамда металл конструкцияларни пайванда-лаш, электр деңгиз-ларни таъмирлаш ишлари билан шуғулланади.

Мулоҳаза КАМЧИЛИКЛАР ЙЎҚ ЭМАС

Унинг тарихида 10 та асосий цех бўлиб, уларнинг қўплари иш жараёнида атроф-муҳитга зарарли чиқиндиларни чиқаради. Мана шунинг ҳисобига олиб, ушбу ишлаб чиқариш жойларида ҳар бир техникалар нормал даражада бўлишига ва уларнинг ишлаш жараёнида тўла қувватта эришиш талаб этилади. Шунингдек, корхонада орттича зарарли моддаларни тутиб қоладиган чанг юттич ускуналаридан ҳам фойдаланилади.

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай, корхона аҳли илҳом борица тўла қувватда маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга табиатни зарарлантirmаслик, уни муҳофазаси қилиш қўнун-қоидаларига ҳам қатъий риоя қилган ҳолда меҳнат қилишяпти. Зарарли моддаларни ушлаб қоладиган чанг юттичлар ҳар йили бир марта қайта таъмирдан чиқарилади. Бундан ташқари корхонада атроф-муҳитни орттича ифлослантirmаслик хусусида ҳам бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Уларнинг бажарилиши корхонаимизнинг бош муҳандиси зиммасига юклаган. Хусусан, корхона ҳудудини озода ва тартибли сақлаш учун бир ойда бир марта умумий хашар ўтказиб турилади.

Албатта корхонаимизда табиатни муҳофазаси қилиш ишлари бутунлай намунали йўлга қўйилган деи олаймиз. Хусусан, бу гаг улгерод оксиди, ноортганик чанглари, мис оксиди ва марганец бирикмаси ишлаб чиқариш билан боғлиқ хешларга таалуқлидир.

Корхонаимиз ишчилари табиат муҳофазаси ва инсон соғлиғи учун муҳим восита эканлигини яхши тушунишади. Мана шундан келиб чиқиб, ҳар биримиз илҳом борица табиатни авайлаб-асрашга, корхона ҳудудини ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишларига имкон қадар ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилиялмиз.

Э. САЛОХУДИНОВ, корхона техника хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш бўйича қатта муҳандиси.

Шарқ гурдонлари ОЗ-ОЗ ЎРТАНИБ ДОМО БЎЛУР...

● **Ҳикоят.** Нақл қилишларича, Зайд Роҳиб исмли улўғ киши шундай деган: «Лашкарлар орасида эдим. Сабза билан безанган бир экинзорга бориб қолдим. Бошқарлар ўз отларини экинзорга қўйиб юбордилар. Мен от жиловини тортидим. Кекса деҳқон олдимга келиб: «Сен нега отингни қўйма-япсан?» деб сўради. Мен: «Кўнглинг огримасин деб қўрқяпман» дедим. Чол: «Худо сендан ёмонликни узок қилсин» деди. «Нега» деб сўрадим. «Агар сенинг баракатинг бўлмаганда, — деди чол, — булар ҳалок бўлган бўлишарди!»

Қитъа:
Ёмонларнинг ичиди яхшилари бўлмаса, Ёмонлар ўз феълидан буткул ҳароб бўларди...

● **Ҳикоят.** Ҳиндистон китобларида келтиришларича зolim ва жафокор кишиларга ҳеч қачон ишонмаслик керак. Бунга мисол қилиб, қуйидаги масалани келтиридилар. Бир киши биёбонда кетарди. Карвондагилар ўт ёққан бир жойга етиб келди. Шамол ўтининг учқунини ўчириб, хас-хашақка ялаштириб, ёнғин пайдо қилган эди. Каттагина илон бир ёғочнинг учига чиқиб олиб, қайққа боришини билмай турарди. Оданинг унга раҳми келди ва юраги куйиб деди: «Душман бўлса ҳам, қийин аҳволда қопти! Қийналганга ёрдам бериш қарам аҳлининг фазилати ҳисобланади!»

Маснавий:
Бечорага ёрдам — бу яхши ҳислат, Ҳохи душман бўлсин, ҳохи у улфат. Асир кетса агар оёқдан бежон, Қўли тутиб, ёрдам кўрсат ўша он!

У тўрвасини ёғочга илиб, илонга тутди ва уни ўтдан қутқариб қолди. Илон тилга кириб деди: «Мен сенга заҳар соламан!» Одам деди: «Қандай қилиб яхшиликнинг муқофоти ёмонлик бўлади?!» Илон: «Ҳа, одамларда яхшилик учун муқофот ёмонликдир! Агар хоҳласанг, бу даъвони гувоҳлар билан исботлайман!» деди. Одам: «Агар гувоҳ топсанг, мени далил билан ўлдирган бўлардинг, сени эса, таъна-маълومات қилишмасди!» деди. Узокдан бир сигир кўринди...

Улар сизнинг олдида боришгач одам: «Яхшиликнинг муқофоти нима?» деб сўради. «Одамларда ёмонликдир», — деди сизга ва серсут даврида эгасига ёққанлигини, қариб қолган эса уни ҳайдаб юборганлигини айтди... Шу тариқа тулкидан сўраган кетдилар. Тулки одамга қараб: «Қани, айтич, сен унга қандай яхшилик қилдинг?» Киши деди: «Уни ўт ичидан чиқариб олдим!» Тулки унга: «Сен қандай қилиб ўт ичига кириб, уни чиқариб олдинг?! Елгон гапиряпсан!» деди.

Фард:
Ўт сенга бўлмаса ёру меҳрибон, Қандай қилиб уни қутқардинг омон?!

Одам деди: «Тўрвани ёғоч учига илиб, унга узатдим ва тўрва ичига кирди. Сўнг тортиб олдим!» Тулки деди: «Ишонгим келмай турибди, шундай катта одам қандай қилиб шу тўрвага сизди?!» Илон: «Рост айтаяпти!» деб тасдиқлади. Тулки: «Сен яхшилик муқофоти ёмонлик дейяпсан, агар у яхшилик қилган бўлса, бунинг исботи учун яна тўрвага кир, мен ўз кўзим билан қўриб ишонай, сўнг ҳужм чиқарай!» деди. Илон бу сўзга алданиб, тўрвага кирди. Тулки кишига қараб: «Фурсатни қўлдан бермай, тўрва оғзини бекит ва уни кўтариб ерга ур, токи ўлсин!» деди. Ҳар ким душмани ҳалок қилишда нуқсонга йўл қўйса, ўз ҳалокати учун замин ҳозирлаган бўлади.

Мажиддин ҲАВОФИЙ.

● Айтишларича, Кашмирда бир амир бор эди. Унинг аҳли тadbир бир вазири бўлиб, вазир ва амир орасида тарбиянинг таъсири ҳақида сўз кетди. Вазир доно ва соҳиб тadbир бир кишининг ўгли бўлиб, амирга деди:

— Агар киши аслида ёмон ҳулқ бўлса ва зотида қобилият гавҳари бўлмаса, ҳеч бир мураббийнинг тарбияси таъсир қилмайди.

Байт:
Пасткашга тарбия қилмайди асар, Тоа бермагач ҳаёт мевая самар.
Амир соддадил йигит эди, жаҳоннинг хийлаюнаиранидан гофил эди. Шунинг учун вазирининг фикрига қарши эди ва дерди:

— Сен одамнинг аслига қарама, юмшоқ ипак ҳам аслида хунук қуртининг махсулидир!

Амир ўз сўзини исботлаш учун вазирни бир куни сарой ичкарисига тақлиф этди. Дастурхон ёзилди, орага ноз-неъмат қўйилган пайтда, бир тўда мушуклар қўлларидан шам тутиб, дастурхон устига келиб турдилар.

Уртага ёшлагач, аялон дастурхон, Мушуклар саф тортиб туришди ҳарён.

Амир вазирга деди:
— Эй қайсар киши, ўз хатойингни кўрдингми? Айтич, бу мушукларнинг авлод-аждоди ҳам тутувчи бўлганми? Бу тарбиянинг таъсиридир!

Вазир жавоб қилишга шоммади. Иккинчи куни мушуклар шам қўтариб, ҳозир бўлдилар. Вазир ичига уч-тўрт сичқонни яшириб қолган эди. Уни мушуклар томонга қўйиб юборди. Сичқонни қўрган мушуклар одоб-таълимини ҳам унутиб, ўзларини сичқонга отдилар. Шамлар ерга тушиб ўчди. Сичқонни қувиб, атрофни ҳам, дастурхонни ҳам ифлос қилдилар. Шунда вазир деди:

— Кишининг устига қараб, ичинни тоза деб бўлмайди. Улар зоҳиран тарбия олса-да, табиати-га ўрганган феъдан холи эмаслар!

● ... Барчага маълумки, ҳирсу тама шумлик, тамағирлик ва хорисманликнинг оқибати ва барча нарсадан маҳрумликдир. Барча бойликнинг асоси қаноатликда, барча ишларнинг яхши оқибат билан туғиши нафс қўйига кам рағбатликдир.

● **Ҳикмат.** Гуноҳни кечмоқ инсон учун ярашимли ҳулқдир.
Байт:
Гуноҳкор гуноҳни кечидан авло, Муқофот бўлмағай асло жаҳонда.
ИБН КАМОЛПОШО.
Форс, араб, турк тилларидан Махмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.



Мехр-муроватли, меҳрибон, айниқса, қиммасиз ўқик кўнгилларга кўндан келганча саховат кўрсатиб, шодлик улашадиган қимиларни кўрганмишди чини олдани, улар қимматига тасаннолар айтмади. Қани энди юртимишда ёрдамга муштож инсонларга беминнат хизмат кўрсатадиган ана шундай ойнақам инсонлар кўнайсиз, деб ниҳат қилмади.

байланувчилари учун ёзилаётган байрам дастурхонини безашга бош-қошлик қилаётган Шукрилла акага савол билан мурожаат қилганимишда у киши камтарлик билан: «Мен ўзим

га бўладилар. Жамоамиз учун чиройли дастурхон ёзиб ёнма-ён ўтириб сўхбатлашадилар. 200 дан ортиқ тарбияланувчиларга кийим-кечак, қимматбахо совға-саломлар улашадилар,

либ биздан хабар оладилар. Чиройли кийим-кечаклар тарқатиб, ҳаммамизнинг кўнглимишни кўтардилар, — деди Рустамжон бизга.

Шукрилла Абдуллаев келтирган совғалар билан қизикдик. Бу сафар у тарбияланувчиларга 100 дан ортиқ спорт кийимлари, 200 та оёқ кийимлари олиб келибди. Совғалар болаларга тарқатилганда кейин ҳамма дастурхон атрофидан ўрин олди. Бир пайла оқ устида табриклар, миннатдорчилик сўзлари янгради.

Хушовоз хонанда Аъло Раҳимова бошлик санаторкорлар даврага фойз киритишди. Кувнок уйин-қулгидан сўнг дастурхонга ош тортилди.

МАХМУД КОМИЛЖОНОВ. СУРАТЛАРДА: 21-Мехрибонлик уйда ўтган байрам тантаналаридан лавҳалар акс этган. Даврон Аҳмад олган суратлар.

МУРОВАТ САХОВАТЛИ КИШИЛАР

ҳақимда нима дея оламан, яхсиси бу хусусда тарбияланувчилардан, уларнинг устозларидан сўраганларингиз маъқул», деган жавобни берди.

— Шукрилла Назирович кўп йиллардан бери бизни ўз оталигига олган. Хар байрамларда биз билан бир-

— дейишди бизга ушбу даргоҳнинг мурасаддилари.

Тарбияланувчилардан бири билан танишдик. Узини Рустам Фозиллов деб таништирган ўсимрни сўхбатга тортдик.

— Шукрилла отани ҳаммамиз жондидан севамиш. У киши тез-тез ке-

Наврўз шарофати билан Юнусобод туманида жойлашган 21-Мехрибонлик уйига борганимишда бизга олийҳиммат бир инсон ҳақида тўқинлиниб гапириб беришди. У шахримиздаги «Мехрибон» давлат корхонасининг бошлиғи Шукрилла Абдуллаев эди.

Биз ушбу Мехрибонлик уйи тар-

Инсоннинг гўзал фазилатларидан бири — дунё сирларини билишга, табиат ва жамиятнинг мураккаб қонуनларини англашга, фан ютуқларини эгаллашга иштилоқлидир. Ҳақиқатан инсоннинг инсон ҳаётидаги роли бениҳоят катта. Илмга қизиқиш ва унга ташналик халқимиз ичидан минглаб улғу доғишманду алломаларнинг етишиб чиқишига омили бўлган. Ҳозирги кунда ана шундай ўз илмий ютуқлари билан турмуш-инсониятни ривожлантириб келаётган фанимиз фидойилари кўпгина топилди. Шундай инсонлардан бири — геология-минералогия фанлари доктори, профессор Мамажон Эгамбердиев эди.

Асли Наманган вилоятининг Чортоқ шаҳрида, дехон оиласида дунёга келган Мамажон Эгамбердиев ўрта мактабни имтиёзли тугатиб, ўқишга илмга чанқоқлиги тўғриси Самарқанд шаҳридаги ўзбекистон Давлат университетининг (ҳозирги СамДУ) геология-география факультетида

Фанлар академиясининг Х. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика илмий тадқиқот институтининг аспирантурасида таълим олиб, 1959 йили номзодлик, 1983 йили эса докторлик диссертацияларини ёқлади. Унинг илмий ишлари натижалари жаҳоннинг таниқли геолог ва нефтьчи олимлари, жумладан академиклар жуда юқори баҳо беришди. Шундан сўнг М. Эгамбердиевга литология, геология, нефть-газ конларини қидириш мутахассисликлари бўйича докторлик илмий даражаси ва профессор унвони берилди.

Илм олиш оғир, олгандан сўнг эса оғирлари енгиллатилади. Мамажон Эгамбердиев 1959 йилдан нефть-газ конлари геологияси ва қидирув илми ҳақида ҳозирга қадар бетиним ишлаб келмоқда. Бу жафоқаш инсон илмий фаолияти жараёнида 40 дан зиёд илмий хисоботлар тузди, 200 га яқин илмий, 100 дан зиёд илмий-оммабоп асарлар ёзди. Шулардан 12 таси

Фанимиз фидойилари КАШФИЁТЛАРИ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

ўқишга кирди. Ҳақиқатан 1953 йили муваффақиятли тамомлаб, Тошкентдаги ўзбекистон Давлат Бош геология бошқармасига ишлаш учун йўланма олди. 1953-1956 йиллар давомида М. Эгамбердиев Марказий Кизилқум саҳросида илк бор ташқи эитилган геология экспедицияси таркибида биринчи ўзбек геолог сифатида хаританга туширувчи бўлиб ишлади. Шунингдек, у тоқ худудидан бир неча олтин намуналарини тоғди ва илк бор кўп изланишлари тўғриси Марказий Кизилқумда янги фосфорит катламларини шахсан ўзи топиб, кейинчалик бу ерда йирик фосфорит хазаси кашф қилинишига асос солиди. Ҳозирги кунда бу ерда йирик фосфорит комбинати қурилиб, ишга туширилган. Бу албатта Мамажон Эгамбердиев ҳаётидаги муваффақиятларининг бошланғичи бўлди. У бора-бора ўз соҳасининг етук билимдонини, жонқар фидойисига айланди. Шунинг учун ҳам ўз ҳамкасблари орасида теъдда танилиб, обрў-эътибор қозонди.

Ҳа, илм ҳаммага баробер берилади, лекин уни хар ким ўз ҳовучига яраша оларкан. «Илм билан — билим топишганда инсоннинг беъзиди» деб бежиз айтилмаган. Бу гап айна Мамажон Эгамбердиев учун айтулгандек гўё. Чунки у бор илмини, билимини мамлакатимиз тарқатишга йўлида сарф этишга, фанимиз уфқларини янада ёритишга астойдил қизиқиб, меҳнат қилди. Бу борада тинмай ўқиб ўрганди ва изланди. 1956-1958 йилларда ўзбекистон

йирик илмий монографиялар бўлиб, мазкур асарлар ҳозирги кунда геологлар учун зарур кўланмага айланиб қолди.

М. Эгамбердиевнинг илмий тахминлари ва тавсиялари Сурхондарё худудидagi газ қони ва бошқа конларнинг кашф қилинишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, муҳим агрономия минерал рудаси бўлиши глауконитга жуда бой кўмларнинг 1250 километрга чўзилган Урта Осиё минтақасини кашф қилди.

Мамажон ака геология ва минералогия фанлари йўналиши бўйича 10 дан зиёд фан номзодларининг етишиб чиқишига ўз хиссасини қўшди. Ҳозирги кунда ҳам толмас ва меҳрибон устоз илм қўққиларини эгаллаётган кўпгина ёшларга илмий раҳбарлик қилмоқда. У ўз халос меҳнати, камтаринлиги билан дусту ёр, қариндош-урурлар ичида ҳамда оилада ҳам энг бахтиёр ва ҳурмат-иззат топган фидойи инсонлардан. Умр йўлдошлари Ноила опа билан икки ўғил ва икки қизларини ҳам ўқитиб, меҳнатсевар, илмли қилиб воғна етказдилар.

Илмий хор бўлмас деганларидек, ҳақиқатан билими одам учун жаҳон кенгидир. Чунки у илм чирой билан ҳаммаёқни ёритиб, узоқларни кўраверади. Мамажон Эгамбердиев сингари захматкаш, фидойи инсонлар доимо соғ бўлиб, фанимиз уфқларини ёритаверсинлар, деган ниҳатда.

Дилором ИКРОМОВА.

«07» ЎТ БАЛОСИДАН САҚЛАНИНГ

Халқимизда «Ўт балосидан асрагин» деган ҳикмати нақс бор. Зеро, ёнғиллар натижасида инсонларга етказилаётган зийн-захматлар ҳаммамизга маълум. Аслида ёнғин билан боғлиқ ақсарият аянчли ҳодисалар кўндилки турмушда одамлар томонидан йўл қўйилаётган бебарорлик, лоқайдлик, масъулиятни унутиб қўйиш оқибатида рўй беришини таъқидлаш жон.

Хар йили ер юзиде 4 миллионга яқин ёнғин соди бўлмоқда. У катта микдордаги давлат ва халқ мулкни йўқ қилмоқда. Ёнғинга бефарқ қараб, масъулиятсизлик ва қаровсизлик тўғриси минглаб одамларнинг ҳаёт чирогини сўқмоқда.

Ҳавфсизлик қонун-қондаларига риоя қилмаслик ва Давлат ёнғинга қарши назорат бўлимларининг талабларини ўз вақтида баҳармаслик оқибатида шу йилнинг ўтган бор ойи мобайнида 24 та ёнғин соди бўлди. 1 киши халок бўлди, 2 киши тан жароҳати олди.

Ёнғинларнинг кўпчилиги фуқароларнинг турар жойларида соди бўлди. Бу ерларда ёнғин қичқилинган асосий сабаби газли иситиш ва электр асбобларидан фойдаланишда, сизгарета чекишда оддий ёнғин хавф-

сизлиги қондаларига тўла риоя қилмаслик ёки электр симларининг қисқа туташувлари ва ёш болаларнинг гўгурт уйнашлари сабаби соди бўлмоқда.

Масалан, шу йилнинг 16 январиде соат 10 дан 52 дақиқа ўтганда Мирзо Улўбек тумани, Феруза-1 маззеси, 6-уй, 5-хонада портлаш рўй бериб, ёнғин соди бўлган. Ёнғин натижасида телевизор ва уй жиҳозлари ёнган. Ёнғинда уй эгаси Н. Громова ва меҳмон А. Катериненко оловдан тан жароҳатлари олиб, шаҳар қуйиш марказига ётқизилди ва икки кундан сўнг фуқаро А. Катериненко оламдан кўз юмди. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, электр жиҳозларидан, хусусан телевизордан нотўғри фойдаланиш, яъни телевизорни назоратсиз қолдириш бир инсоннинг ҳаётдан эрта кетишига олиб келди.

Хар қандай ёнғин йўқотишдири, шунинг учун бор имкониятини ишга солиб, ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилишга, ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирмасликка, уларга газ ва электр асбобларини ёқини буюрмасликка, гўгурт уйнашга йўл қўймасликка ҳаракат қилайлик.

Абдували САПАРОВ, Мирзо Улўбек тумани 2-ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бирикмаси назоратчиси, ички хизмат лейтенанти.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилмиш:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Жиноят ва жазо

ФИРИБГАРЛИК ФОШ БЎЛДИ

Тошкент шаҳар коррупция, рэкетга қарши курашиш бошқармаси иқтисодий тизим ривожига тўсиқ бўлаётган қора кўчаларга қарши курашиш мурасасиз ташқи эитмоқда. Тезкор бошқарма жамоаси аниқланган фактлар, зўдилик билан ўтказилган тадбирлар тўғрисида катта микдордаги маблағларни ўз шахсий манфаатлари йўлида талоон-тарош қилган тошкентлик «тадбиркорлар»нинг фаолиятлари юзасидан апрофачча текширувлар ўтказиб, қўйидаги жиноий ҳолатларни фойз эитди.

Пойтахтимиз худудиде жойлашган «Шодлик гуллари», «Ҳаёт қувончлари» хусусий фирмаларининг бошлиқлари Ш. Тохиров ва С. Иноғомовлар тезроқ бойиб олиш, молу дунё орттиришга берилиб кетдилар. Улар ўзаро тил бириктириб, катта даромадлар қўриш мақсадига юк автомашиналари билан савдо қилишда воситачиликни ташкил этиш режаларини туздилар. Шу соҳа бўйича амалий ишга киришиб, юк автомобиллари савдосини ташкил этиш, уларни топиш ҳамда етказиб бериш бўйича воситачилик «уйинини бошлайдилар. Бу автобизнесменларнинг тузоғига биринчилар қаторида «Фаргонава-тойўй» акциядорлик жамиятига қарашли Қўқон йўл механизацияси бошқармаси иланиди. Автобизнес «тадбиркорлари» бўлиб олган Ш. Тохиров ва С. Иноғомов шу бошқармага 6 та «МА3-5551» русумли юк автомашиналари етказиб бериш бўйича шартнома тузиб, бошқарманинг 30 миллион сўм маблағини ошонгина қўлга киритишга муваффақ бўладилар. Лекин бу воситачи автобизнесменлар тузган шартнома бўйича Қўқон йўл механизацияси бошқармасига 6 юк машинаси ўрнига фарқ қиймати 5 миллион сўм бўлган битта машина етказ-

зиб бериб, қолган 25 миллион сўм маблагни ўзаро бўлишиб оладилар. Маълум бўлишича, бу воситачилар илгари ҳам ана шундай жиноятга қўл урган эканлар. Улар Навоий шаҳридаги «Машторг» ўзбек-Беларус қўша корхонасидан олган 5 та «МА3-5551» юк автомашинани фойдаси билан сотиб (уларнинг умумий қиймати 23 миллион сўми ташкил этиди) тушган пулларни ўз шахсий манфаатлари учун сарфлаб юборганлар. Умумий ҳисоб қилинганда Қўқон йўл механизацияси бошқармаси ва Навоий «Машторг» қўша корхоналарига етказилган зарар 48 миллион сўмига ташкил этиди. Шу ўринда воситачиликда танилган, синалмаган тошкентлик иккала фирибгар — автобизнес «тадбиркорлари» қўлларига миллионларча маблағларни тутқазган раҳбарларнинг хотамтойлигини қандай тушуниш мумкин?

Давлат — жамиятга ўта катта даражада иқтисодий зарар етказган юқоридаги фирибгарларнинг қилмишларини очиб ташлашда бошқарма тергов бўлими бошлиғи Ф. Каримов, бўлим бошлиғи ўринбосари А. Клебеум ва катта тезкор ходим Р. Ишманбетов фаол иштирок этидилар. Йирик микдордаги давлат маблағини талоон-тарош қилганларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

«СИНГАН» ВАЛЮТАФУРУШЛАР

Маълумки, ноқонуний «Қора бозор» валютасавдоси мамлакатимизнинг молиявий йўналишидаги пул-кредит сисёати муомаласига салбий таъсирдан зарар етказувчи иқтисодий оғир жиноят тури ҳисобланади.

Шу боис ҳуқуқ-тартибот органларимиз ноқонуний валюта савдосига қарши кураш юзасидан ҳам бир қанча чора-тадбирларни ўтказмоқдалар. Бунга қўйидаги фактлар мисол бўлади.

Тошкентлик ҳеч қаерда ишламайдиган А. Иноғомов, Н. Тўхтаев, Ф. Аъзамов, М. Мухамедов каби фуқаролар «Чорсу»даги «Қўлдош» масжиди ёнида ўзларига тегишли бўлган 1485 АҚШ долларини ҳам-шахарлари Н. Қўзиёв ва М. Пулатовга «Қора бозор» нархида сотиш пайтида қўлга олинди. Текширув-суриштирув пайтида уларнинг ёнлариде 1 миллион 845 минг сўм нақд пул ҳам чиқди. Ана шундай валютафурушларга қарши олиб борилган кейинги рейдлар пайтида Юнусобод туманидаги Аҳмад Дониш кўчасида 650 АҚШ долларини «Қора бозор» нархи-

да сотган фуқаролар Л. Халилова, 500 долларни пулдаган Б. Зокиров, Қўйилдаги автобус бекатида 600 долларни сотган Ш. Исҳоқов, Мирзо Улўбек туманида 650 АҚШ долларини сотган Р. Асанова, Н. Югай қимматли қоғозлар ва валюта операцияларни қондаларини қўпол бузиш жараёнида қўлга тушди. Ҳамма туманидаги «Авиасозлар» бозори атрофида шу туманда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаро О. Қим катта микдордаги валюта — 1600 АҚШ долларини 1 миллион 136 минг 300 сўмга сотиш вақтида тезкор гуруҳ томонидан қўлга олинди. Бу ноқонуний валюта сотарлар ўзбекистон Республикаси хужоат кодексининг 175-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилмоқдалар.

Малик НУРИДИНОВ, Дилшод ИСРОИЛОВ.

Шу йил 28 мартдан 1 апрелгача Тошкентда Осиё теннис федерациясининг бўлажак халқаро теннис турнирларида бағишланган йиғилиш бўлиб ўтади. Анжуман олдидан биз Ўзбекистон теннис федерациясининг бош қотиби Игорь Николаевич ШЕПЕЛЕВ билан сўхбатлашдик.

— Игорь Николаевич, аввало Осиё федерацияси тўғрисида қисқача маълумот берсангиз.

— Маълумки, барча спорт турлари соҳасида уларнинг умумий ривожланишини мувофиқлаштирувчи ташкилотлари ҳамда халқаро федерациялари ташкил қилинган. Теннис халқаро федерацияси шулар жумласидан. Осиё теннис федерацияси (АТФ) халқаро федерациянинг бир минтақа ташкилоти ҳисобланади ва унинг қароргоҳи Гонконгда жойлашган. Осиё теннис федерациясининг президенти япониялик Ичи Каватей айна пайтада АТФнинг вице-президенти ҳам ҳисобланади.

Тошкентда ўтадиган Осиё федерациясининг анжумани АТФ ижроия қўмитасининг навбатдаги — «Энлол митинг» — йилда бир мартаба ўтказилган йиғилишлар сирасига қиради.

Айна Ўзбекистонда шу анжумани ўтиш жойи деб белгиланиши 1999 йилда Голландияда халқаро теннис федерациясининг конгрессида қўллаб-қувватланган ва унинг доирасида ўтган АТФнинг шўба мажлисида Ўзбекистонда теннис спорти ривожланишига катта эътибор қаратилаётганлиги ҳисобга олган ҳолда аниқланган.

АТФга 40дан ортиқ давлат қиради. Ўзбекистон эса унга 1994 йилдан бери аъзо. Мазкур ижроия қўмитаси йиғилиши бизнинг мамлакатда биринчи мартаба ўтказилади.

— АТФнинг бундай анжуманларида қандай масалалар қўрилади?

— Ижроия қўмитанинг йиғилишларида теннис ривожига оид энг муҳим масалалар аниқланиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади. Уларда янги мусобақалар ташкил топиши ва ўтказилиши бўйича ташкилий-молиявий масалалар қўрилади. Халқаро федерациянинг баъзи бир масалаларига оид АТФнинг фаолияти таҳлил қилинади. АТФнинг тузилмаларига сайловлар ўтказилади.

— «Тошкент учрашуви»да қандай масалалар халқ топиши кўзда тутилган?

— АТФнинг Тошкентдаги йиғилишида Осиё федерациясининг бўлажак спорт анжуманлари тақвими тасдиқланади. Қун тартибига Осиё давлатларининг нуфузли турнирларда иштирок этиши учун жойлар ажратилади, АТФнинг қўмита ва бўлимига янги аъзолар тайинланишига бағишланган масалалар қўрилади.

— «Сиз бўлажак мусобақаларга жойлар ажратилиши тўғрисида айтиб ўтдингиз. Бу йил Сиднейда ўтказиладиган Олимпиадага ҳам йўлланмадан шу ижроия қўмита қарорига биноан берилади дейиш мумкинми?»

— Ҳа, албатта. Теннис турнирларида 100га яқин спортчилар катнашиши мумкин. Ўзбекистонлик теннисчиларнинг рейтингини ҳали унчалик баланд эмас, албатта. Лекин ўтказиладиган ташкилий тоифадаги йиғилишларнинг шундай имкониятлари борки, уларда биз энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган спортчиларимизни ҳам нуфузли мусобақаларга тавсия қилишимиз мумкин.

Спорт атамлари ичиде «валт карт» деган тушунча бор, яъни унда спортчиларни тўғридан-тўғри турнирларда иштирок этишига рухсат берилиши фойдаланади. Маълум микдорда бундай ваколатлар минтақавий уюшмаларга ҳам берилган. Бизнинг федерациямиз Сиднейдаги Олимпиадасида иштирок этишлари учун Озода Тўлағанова ва Олег Огородовлар номзодларини Осиё федерациясига тақдим этди. Тавсиямиз АТФ номида Халқаро теннис федерациясининг қандай қилинишини кутямиш.

Айтиб ўтиш лозимки, бу номзодлар рейтингларига қараб эмас, уларнинг ютуқлари ва келажак умиди ва ишончи деган далилларга таянилиб тавсия қилинди.

— Сизнинг фикрингизча, «Тошкент учрашуви»да қабул қилинадиган қарор ўзбекистонлик теннисчиларнинг Олимпиадада иштирок этишига қаролат бўла оладими?

— Бундай мусобақаларда иштирок этиш учун хар бир спорт йўналишининг давлатлар ривожланишига қараб квота ажратилади. Маълум сабабларга қўра Европа давлатларига энг кўп берилади, АҚШга ҳам — тегишлича, Австралиянинг имкониятлари каттарок, чунки ташкилотчи давлатлигини ҳисобга олган ҳолда уларга қўшимча жой берилади. АТФга ҳам ўз номзодларини квотага асосан тавсия этиди. Бизнинг теннисчиларимиз Олимпиадада иштироки тўғрисидаги қаролатга келсак, бу масалани кенг

қамровли қўриб чиқиш керак, яъни мустақиллигимиздан олдин нимага эга эдик ва бугун тўқиз йил мобайнида қандай ютуқларга эришдик. Масалан, норасмий командалар чемпионатида — Дэвис Кубогиде — бизнинг йиғилишимиз учун гуруҳдан бошлаган эди. Бугунги кунда улар биринчи Осиё теннис океани гуруҳида нуфузли ўрин эгаллашади. Бундан ташқари, 1998 ва ўтган йиллардаги мусобақаларда бизнинг команда ва энг нуфузли — хахон гуруҳига қиқш учун саралаш мусобақаларида икки мартаба иштирок этишган. Умуман олганда, бизнинг эркак теннисчиларимиз Осиё бўйича энг қўлилардан деб тан олинган. 1999 йилда Хиндистонда ўтган Осиё кубогиде голиб бўлган Олег Огородов ва Вадим Қўценко командаси бунинг яна бир бор ёрқин исботидир.

— Бизнинг республикамиз пойтахтида илк бор ўтадиган анжуманининг моҳияти ҳақида айтиб ўтсангиз?

— Осиё теннис федерациясининг ижроия қўмитаси йиғилиши қаби халқаро анжуманлари бизнинг диёриимизда ўтказилиши кўпроқ ташкилий масалаларга қаратилган бўлса ҳам, улар давлатларга ҳамкорлик, бирлашишга, долзарб масалалар хусусида фикр алмашишга, умуман олганда Ўзбекистоннинг имкониятлари билан танишиш ва зифасини ўтади.

Бир мисол. 1999 йилда АҚШда 18 ёшга бўлган йигит ва қизлар орасида чемпионат ўтказилди. Бундай мусобақаларда иштирокчилар рейтинг асосида тайинланади. Осиё давлатларидан фақат уч команда тавсия қилиниши лозим эди. Очинини айтиш керакики, ёш теннисчиларимизнинг ютуқлари ҳали қониқтирмайди, аммо буни инобатга олмасдан, умумий теннис соҳасидаги кўрсаткичларга қўра бизнинг командалар ҳам АҚШдаги чемпионатда иштирок этишди ва 16та давлатлардан келган командалар билан тенг беллашишди. Соринларга эга бўлмаган бўлсалар ҳам, уларнинг иштироки бизнинг умумий ютуғимиз дейиш мумкин. Яна бир мисол. 1998 йилда Японияда ўтказилган FED CUP — Федер Кубогиде бизнинг қизларимиз яхши натижага эриша олмадилар, лекин уларга яна бир бор имконияти берилади — 1999 йилда теннис бўйича биринчи гуруҳ чемпионатида иштирок этиш учун йўлланма олдилар.

Хулоса қилиб яна бир мисол келтирмоқчиман. Осиё теннис федерациясининг президенти Ичи Каватей ўтган йили бизнинг федерация тақлифига биноан республикамизга таширф билан келиб, Президент кубоги турнирида меҳмон бўлиб, Ўзбекистон — бешинчи «катта шлем» мусобақалари ўтадиган давлатлар орасидан муносиб ўрин олади, деб умид билдирди.

— АТФнинг Тошкентдаги анжуманига қандай таъбирлар қўрилади?

— Бугунги кунга қадар «Тошкент учрашуви»да 20 дан ортиқ давлатлар иштирок этишларини тасдиқлашди. Улардан Япония, Хитой, Жанубий Корея, Покистон, Бирлашган Араб Амириклари, Қувайт, Индонезия, Вьетнам, Эрон ва бошқалар. Учрашувада Халқаро теннис федерациясининг ривожланиш бошқармасининг ижроия директори Дейф Майли иштироки ҳам кўзда тутилган.

Бу халқаро анжуманининг юқори савияда ўтиши учун ҳамма чора-тадбирлар қўрилоқда. Аввал АТФнинг ўн қишидан иборат директорлар кенгаши, сўнг ижроия қўмитанинг умумий йиғилиши бўлиб ўтади. Учрашув доирасида меҳмонлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар. Улар учун қизилқум маданий дастур ҳам тайёрланган. Шунингдек анжуман катнашчилари Самарқанд шаҳрини ҳам зийрат қилишади.

Ушбу анжуман Ўзбекистонда энг мароқли спорт — катта теннисни янада ривожлантириш, давлатимизнинг халқаро нуфузини ошириш мақсадларига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Сўхбатдош
Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот гуруҳи аъзоси.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек тавзияларни, таваллуд қунари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифалариде ёртади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 сача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ:
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.

«Маданий моллар» очик акционерлик жамияти маъмурияти, қасаба уюшмаси жамият ходими Ҳамид Хошимжонович Мансуровга падари бузрукворлари — иккичи жаҳон уруши катнашчиси, мазкур жамиятнинг собиқ ходими

ХОШИМЖОН отанинг вафоти муносабати бил